

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

611 2014 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-
рини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2523*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-
нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й.,
12-сон, 219-модда) 5¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-
камасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбе-
кистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-мод-
да) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор
қилади:**

1. 2014 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 115-илова-
ларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қўйидагилар ўз кучини
йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил
23 октябрдаги 4-мб-сон «2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакл-
ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2403, 2012 йил
10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.,
50-сон, 566-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил
10 июндаги 2-мб-сон «2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-
га қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2403-1, 2013 йил
18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,
25-сон, 328-модда).

2. Ушбу қарор 2014 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 16 октябрь,
6-мб-сон

* 1 — 115-иловалар берилмайди.